



СССР ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ССОВЕТ УЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 ЯИЛ ЧИКИШИ
№ 184 (13.396).
15 ИЮНЬ
1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тўғри.

МОСКВАДА ШВЕЙЦАРИЯ САНОАТ ВИСТАВКАСИНING МУВАФФАҚИЯТИ

Москвадаги «Сокольники» маданият ва истироҳат паркида Швейцария саноати виставкаси ярим ой очик турди. 120 фирма ва бирлашма виставкада машина-созлик, химия, тўқимачилик, полиграфия, озиқ-овқат саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун керакли машина ва ускуналарни, аппарат ва инструментларни намойиш қилди. Уч юз мингга яқин томошабин мароқли экспонатлар билан танишди.

13 июнда Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. А. Лесачко, И. Т. Новиков, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари В. С. Фролов, СССР Министрлари, совет ташқи савдо бирлашмаларининг вакиллари виставкани келиб кўрдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари экспонатларни кўздан кечирдилар, фирма ва бирлашмаларнинг вакиллари билан суҳбат қилдилар. Виставкани кўздан кечириб вақтида Швейцариянинг СССР-даги элчиси Антон Р. Ганц ҳам бор эди.

Районнинг ўринбосарлари М. А. Лесачко, И. Т. Новиков, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари В. С. Фролов, СССР Министрлари, совет ташқи савдо бирлашмаларининг вакиллари виставкани келиб кўрдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари экспонатларни кўздан кечирдилар, фирма ва бирлашмаларнинг вакиллари билан суҳбат қилдилар. Виставкани кўздан кечириб вақтида Швейцариянинг СССР-даги элчиси Антон Р. Ганц ҳам бор эди.

ДУСТОНА ВАЗИЯТДА

СУДАН ИТТИФОҚИ ПАРТИЯСИ
(МАЛИ РЕСПУБЛИКАСИ)
ДЕЛЕГАЦИЯСИНING СОВЕТ
ИТТИФОҚИДА БУЛИШИ
ТЎҒРИСИДА

Судан Иттифоқи — РДА партияси (Мали Республикасининг) партия сийасат секретари ўртоқ Идрисса Диарра (деlegation бошлиғи), Мали Республикасининг масъул ходимлари Сори Кулибали, Мамаду Таада ва Сори Саггара ўртоқлардан иборат делегацияси 27 кайинда 13 июнда КПСС Марказий Комитетининг таълифига бинои дўстона визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди.

Мали партия делегацияси Совет Иттифоқида бўлган вақтида КПСС Марказий Комитети Сийасий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Сулов (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ В. Н. Новиков ва КПСС Марказий Комитети аъзоллигига кандидат, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси ўртоқ С. А. Сначовлар билан иборат КПСС Марказий Комитети делегацияси билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказди. Суҳбатларда СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси ўртоқ Д. Д. Деглар, ташқи савдо министрининг ўринбосари ўртоқ Н. Г. Осипов, КПСС Марказий Комитети аппаратининг ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети билан ташқи савдо министрининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Дўстона ва самимий вазииятда ўтган суҳбатлар вақтида ҳозирда қиларо аҳолининг янгувул масалалари, Африқадаги миллий азодлик ҳаракатининг проблемалари муҳокама қилинди.

КПСС билан Судан Иттифоқи вакиллари ҳар инкала партия ўртасидаги алоқалар муваффақиятини ривожлантиришнинг таъкидлаб, шу алоқаларнинг бутун чоралар билан муваффақиятга эришилганлиги таъкидлаб, бу алоқаларнинг ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбатлар вақтида Совет—Мали иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

ССОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНING ТАНТАНАСИ

1966 йил 12 июнда еттинчи чақириқ СССР олий советига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида марказий сайлов комиссиясининг ахбороти

Марказий сайлов комиссияси еттинчи чақириқ СССР Олий Советига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 767 округ сайлов комиссияларининг ҳаммасидан ва Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 750 округ сайлов комиссияларининг ҳаммасидан шу йил 14 июнда ушбу кесил маълумот олди.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг 14 июндаги мажлисида округ сайлов комиссияларининг материалларини қараб чиқди ва ҳар бир сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги Низомга таъминоти мувофиқ суратда овозларни ҳисоблаб чиққанлигини ва округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаб чиққанлигини тасдиқлади.

Округ сайлов комиссияларининг маълумотларига қўра, бутун мамлакатда 144.000.973 киши сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган. СССР Олий Совети депутатлари сайловида 143.917.031 киши, ёни барча сайловчиларнинг 99,94 проценти қатнашди.

Иттифоқдош республикаларда рўйхатларга киритилган сайловчиларнинг сони ва сайловда қатнашган сайловчиларнинг сони қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Иттифоқ Советига сайлов ўтказиш учун 767 сайлов округи тузилди. Барча сайлов округларида сайлов ўтказилди. Иттифоқ Совети депутатлигига қўрсатилган номзодлар учун 143.570.976 сайловчи овоз берди. Бу аса, овоз беришда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 99,76 проценти ташкил этади. 345.643 киши қарши овоз берди. СССР Олий Советига сайлов тўғрисида Низомнинг 88-моддасига мувофиқ, 412 сайлов бюллетени бекор деб топилди.

Барча сайлов округларида овозга қўйилган номзодлар овозларининг абсолют кўпчилигини олди ва депутат қилиб сайланди.

Иттифоқдош республикаларда Иттифоқ Советига сайлов бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича:

Иттифоқдош республикалар	Номзодлар учун берилган овозлар сони	абсолют ларда	процент ҳисобида	Сайланган депутатлар
РСФСР	79.908.497	99,67	423	
Украина ССР	30.505.735	99,91	150	
Белоруссия ССР	5.455.294	99,93	28	
Ўзбекистон ССР	5.133.901	99,82	35	
Қозғоғистон ССР	6.545.485	99,67	39	
Грузия ССР	2.706.094	99,98	15	
Озарбайжон ССР	2.286.938	99,94	15	
Литва ССР	1.928.938	99,96	10	
Молдавия ССР	1.957.448	99,87	11	
Латвия ССР	1.344.195	99,72	9	
Қирғизистон ССР	1.344.195	99,82	8	
Тожикистон ССР	1.340.800	99,88	7	
Арманистон ССР	1.340.800	99,77	6	
Туркменистон ССР	946.614	99,77	6	
Эстония ССР	393.016	99,61	4	

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Миллатлар Советига сайлов ўтказиш учун 750 сайлов округи, шу жумладан, Миллатлар Советига

15 иттифоқдош республикадан сайлов ўтказувчи 480 округ, 20 автоном республикадан — 220 сайлов округи, 8 автоном областдан 40 сайлов округи, 10 миллий округдан 10 сайлов округи ташкил қилди. Барча сайлов округларида сайлов ўтказилди.

Иттифоқдош республикалардан Миллатлар Совети депутатлигига қўрсатилган номзодлар учун 143.595.678 сайловчи овоз берди. Бу аса, овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,80 проценти ташкил этади, 289.298 киши қарши овоз берди. 381 сайлов бюллетени бекор деб топилди.

Автоном республикалардан Миллатлар Совети депутатлигига қўрсатилган номзодлар учун 11.559.893 сайловчи овоз берди. Бу аса, овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,58 проценти ташкил этади. 48.197 киши қарши овоз берди. 21 сайлов бюллетени бекор деб топилди.

Автоном областлардан Миллатлар Совети депутатлигига қўрсатилган номзодлар учун 1.044.481 сайловчи овоз берди. Бу аса, овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,67 проценти ташкил этади. 3.421 киши қарши овоз берди. Уч сайлов бюллетени бекор деб топилди.

Миллий округлардан Миллатлар Совети депутатлигига қўрсатилган номзодлар учун 507.426 сайловчи овоз берди. Бу аса овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,36 проценти ташкил этади. 3.269 киши қарши овоз берди. Бир сайлов бюллетени бекор деб топилди.

Барча сайлов округларида овозга қўйилган номзодлар овозларининг абсолют кўпчилигини олдилар ва депутат қилиб сайландилар.

Иттифоқдош республикалардан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов округларида овоз бериш натижалари қуйида келтирилади:

Иттифоқдош республикалар	Номзодлар учун берилган овозлар сони	абсолют ларда	процент ҳисобида	Сайланган депутатлар
РСФСР	79.973.159	99,74	32	
Украина ССР	30.504.237	99,90	32	
Белоруссия ССР	5.454.970	99,92	32	

Ўзбекистон ССР	5.134.690	99,82	32
Қозғоғистон ССР	6.544.731	99,86	32
Грузия ССР	2.706.117	99,98	32
Озарбайжон ССР	2.250.193	99,95	32
Литва ССР	1.928.754	99,95	32
Молдавия ССР	1.956.920	99,85	32
Латвия ССР	1.611.578	99,90	32
Қирғизистон ССР	1.342.690	99,64	32
Тожикистон ССР	1.215.850	99,80	32
Арманистон ССР	1.131.281	99,92	32
Туркменистон ССР	946.419	99,79	32
Эстония ССР	894.149	99,68	32

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАР

Абхазия АССР	282.216	99,94	11
Аджария АССР	171.694	99,97	11
Бошқирдистон АССР	2.019.979	99,49	11
Бурятия АССР	418.696	99,55	11
Донетон АССР	1.464.743	99,91	11
Кабарда-Балқария АССР	306.394	99,62	11
Қалмоқ АССР	131.030	99,63	11
Қорақалпоғистон АССР	297.643	99,87	11
Карелия АССР	424.575	99,59	11
Коми АССР	495.070	99,62	11
Мари АССР	374.895	99,69	11
Мордва АССР	594.678	99,94	11
Нахичеван АССР	84.655	99,98	11
Шимолй Осетия АССР	313.127	99,50	11
Татаристон АССР	1.794.775	99,44	11
Тува АССР	109.117	99,74	11
Удмуртия АССР	776.496	99,56	11
Чечен-Ингуш АССР	500.331	99,94	11
Чувашистон АССР	659.175	99,35	11
Якутия АССР	340.604	99,39	11

Марказий сайлов комиссияси СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг 38-моддасига мувофиқ, 1.517 сайлов округларининг ҳаммасидан еттинчи чақириқ СССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди. Иттифоқ Советига 767 депутат, Миллатлар Советига 750 депутат сайланди. Сайланган депутатларнинг ҳаммаси коммунистлар билан партиясизлар блокнинг номзодларидир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг 1966 йил 12 июндаги сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотида мувофиқ, Ўзбекистон ССРдан қуйидагилар СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига депутат қилиб сайланди:

- АНДИЖОН ОБЛАСТИ**
- Абдуллаев Абдиқарим, Андиқон машинасозлик заводининг термист-инструменталшиги. Андижон округи.
- Оқунов Жарбой, Янгйўл районидидаги «Шарк юзюзи» колхозининг раиси. Чортоқ округи.
- Малоев Маънон, Буз районидидаги «Партия XX съезди» колхозчи трактор-дальачилиги бригадасининг бошлиғи. Наманган округи.
- Қурбон Раҳмонқул, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси. Избоскан округи.
- Саримов Усмонқул, Қўрғонтепа районидидаги «Саван» совхозининг директори. Лениск округи.
- БУХОРО ОБЛАСТИ**
- Кортунов Алексей Кириллович, СССР газ саноати министри. Бухоро шаҳар округи.
- Мавлонов Акрам, Бобкент районидидаги Жданов номи колхозининг аъзоси. Бухоро қишлоқ округи.
- Муртазов Қайом, Ўзбекистон КП Бухоро област комитетининг биринчи секретари. Навоий округи.
- КАШКАДАРЕ ОБЛАСТИ**
- Ниселев Сергей Иванович, генерал-майор. Қарши округи.
- Рустамов Парматий, Шахрисабз районидидаги «Партия XIX съезди» колхозининг раиси. Шахрисабз округи.
- САМАРҚАНД ОБЛАСТИ**
- Карпова Галина Степановна, 26 Боу комиссари номи Самарқанд пил-

лакашлик фабрикасининг тўқувчиси. Самарқанд шаҳар округи.

Кожеников Вадим Михайлович, Ўзбекистон ССР Бухорилар союзи правленесининг секретари. Бўлугур округи.

Усмонов Сайдахмуд Нуъмонович, Ўзбекистон КП Самарқанд област комитетининг биринчи секретари. Самарқанд қишлоқ округи.

Хусанов Отагул, Каттақўрғон районидидаги Ленин номи колхозининг раиси. Каттақўрғон округи.

СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТИ

Жураева Сора, Сарисоёб районидидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси. Денос округи.

Муродов Нуриддин Муродович, Ўзбекистон КП Сурхондаре област комитетининг биринчи секретари. Термиз округи.

СИРДАР ОБЛАСТИ

Барин Николай Сосипатрович, «Голднострой» «Сантехмонтаж» бошқармаси монтажчи-сантехниклар бригадасининг бошлиғи. Янгйўл округи.

Муродов Назир, Сирдаре районидидаги Ленин номи колхозининг раиси. Гулистон округи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Абдураззоков Малик Абдураззокович, Ўзбекистон КП Тошкент област комитетининг биринчи секретари. Калинин округи.

Оқунова Турсунбой, Янгйўл районидидаги Киров номи колхозининг участка мудир. Янгйўл округи.

Бақиров Холжун, «Гавташкентстрой» I-куршилик бошқармаси монтажчи бригадасининг бошлиғи. Тошкент—Чиланар округи.

Иванова Серафима Ивановна, сил маданият заводи электршикари бригадасининг бошлиғи. Тошкент—Октябрь округи.

Қобулов Восил Қобулович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва ҳисоблаш маркази институтининг директори. Тошкент—Киров округи.

Ломоносов Владимир Григорьевич, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари. Оҳангарон округи.

Пиличенко Николай Григорьевич, генерал-полковник. Чирчиқ округи.

Расулов Солих Рашидович, Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари. Тошкент—Ленин округи.

Хамроқул Шерали, Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг пулат эритувчиси. Бўна округи.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Қодиров Мамазиё, Вағдол районидидаги «Большевик» колхозининг аъзоси. Ленинград округи.

Сорокина Антонина Лаврентьевна, Қўқон шаҳридаги 4-урта мактабининг ўқитувачиси. Қўқон округи.

Ташбаева Мунистон, Марғилон шойи комбинатининг пилла урвчиси. Марғилон округи.

Шербутев Мусо, Кува районидидаги «Коммунизм» колхозининг раиси. Фарғона округи.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Жуманиёзова Ойна, Урганч районидидаги «Пахтакор» колхозининг аъзоси. Урганч округи.

Матчинов Назар Маткаримович, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари. Хива округи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Айтировлар Ерекен, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси. Тўртқўла округи.

Султонов Сапар Султонович, сил касаллигига қарши республика диспансерининг бош врачси. Нукус округи.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

1966 йил 14 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг 1966 йил 12 июнда ўтказилган сайловчиларнинг якунлари тўғрисидаги ахборотида мувофиқ, Ўзбекистон ССРдан қуйидагилар Миллатлар Советига депутат қилиб сайланди:

Абдуллаева Музаффера Абдуғаффаровна, Самарқанд област, Самарқанд районидидаги Дашташхоба участка касалхонасининг бош врачси. Самарқанд қишлоқ округи.

Асқом Сапохиддин, Ўзбекистон КП Кашкадаре област комитетининг биринчи секретари. Шахрисабз округи.

Асизарова Салима, Наманган иппик тўқич фабрикасининг ишчиси. Наманган округи.

Батчин Павел Федорович, армия генерали. Марғилон округи.

Ғиёсов Жалол, В. П. Ленин номидаги «Красный двигатель» заводи маҳинчи цехининг наладчикиси. Самарқанд шаҳар округи.

Ешимов Давлат, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси. Тўртқўла округи.

Зондов Мирзиё Аббосович, Ўзбекистон қасабаз овозлари республика Советининг раиси. Оҳангарон округи.

Мамолов Қалибек, Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон област комитетининг биринчи секретари. Нукус округи.

Кенжаев Қурбон, Фарғона област, Киров районидидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг механизатори. Қўқон округи.

Кирилин Владимир Алексеевич, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси. Андижон округи.

Косева Анна Павловна, Тошкент област, Чирчиқ электротехника комбинатининг аппаратурчиси. Чирчиқ округи.

Ли Любовь, Тошкент област, Юрчи Чирчиқ районидидаги «Политотдел» колхозининг аъзоси. Калинин округи.

Махмудов Носир, Ўзбекистон КП Сирдаре област комитетининг биринчи секретари. Янгйўл округи.

Меслев Николай Николаевич, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радиошўхират ва телевидение комитетининг раиси. Термиз округи.

Насриддинова Ёлгор Солиқовна, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси. Лениск округи.

Нуралев Норзат, Самарқанд област, Нурота районидидаги 2-Қишрабоз совхозининг ишчиси. Бўлугур округи.

Паточкин Николай Семенович, СССР ташқи савдо министри. Тошкент-Киров округи.

Попова Мария Тихоновна, Фарғонадаги «Ўзбекистон» 40 йиллиги нефтьни қайта ишлаш заводининг оператори. Фарғона округи.

Раҳимов Бектош Раҳимович, Ўзбекистон КП Хоразм област комитетининг биринчи секретари. Урганч округи.

Рашидов Шароф Рашидович, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари. КПСС Марказий Комитети Сийасий бюроси аъзоллигига кандидат. Тошкент-Ленин округи.

Содилов Овд, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти. Каттақўрғон округи.

Сатторов Турдиқон, Андижон област, Балчиқ районидидаги «Пахтакор» колхозининг аъзоси. Избоскан округи.

Сербин Иван Дмитриевич, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудир. Тошкент-Октябрь округи.

Тихомиров Борис Алексеевич, Сурхондаре област, «Шерабадашкент» курилпи бошқармасининг туруп Маъиш машинасининг старший машинчиси. Денос округи.

Усманов Ибти, Сирдаре област, Пахтакор районидидаги «Пахтакор» совхоз-техникумининг механизатори. Гулистон округи.

Хайдаров Амур, Ўзбекистон КП Андижон област комитетининг биринчи секретари. Чортоқ округи.

Ҳинматов Эргаш, Бухоро област

Янгйўлгон нефть разведка экспедициясининг пармалаш мастери, Бухоро шаҳар округи.

Хўнаев Эшонқул, Қашқадаре област, Қарши районидидаги «Коммунизм» колхозининг механизатори. Қарши округи.

Ходиева Ҳадича, Бухоро област, Ғиздувон районидидаги Ёнгелес номи колхозининг аъзоси. Бухоро қишлоқ округи.

Чачи Мустафо, Тошкент област, Окқўрғон районидидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози бўлимининг бошқарувчиси, Янгйўл округи.

Шайхон Эркин Турдиевич, меҳнатнашлар депутатлари Тошкент област Совети ижроия комитетининг раиси. Бўна округи.

Шамсиддинов Фахриддин Шамсиддинов, Ўзбекистон КП Фарғона област комитетининг биринчи секретари. Ленинград округи.

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг 1966 йил 12 июндаги сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотида мувофиқ, Қорақалпоғистон АССРдан қуйидагилар СССР Олий Советининг Миллатлар Советига депутат қилиб сайланди:

Абдуллаева Раъно Ҳабибовна, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари. Тахтакуш округи.

Болтаиёзов Усмонбай, Кейали районидидаги «Халқобод» совхозининг механизатори. Кейали округи.

Дурдыев Абайон, Тўртқўла районидидаги М. Горький номи колхозининг раиси. Тўртқўла округи.

Котин Юзеф Яковлевич, техника фандари доктори. Хўжайли қишлоқ округи.

Мағанова Улери, Нукус тивучилик фабрикасининг моторист-тивиччиси. Нукус округи.

Мусахон Мирзамасхум Мирза-рахмонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари. Қўнғирот округи.

Нариббетова Олтингул, Чимбой районидидаги «Қорақалпоғистон» совхозининг ишчиси Чимбой округи.

Нисонов Рафид, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари. Хўжайли шаҳар округи.

Нуъмонов Қоим (Яшн), Ўзбекистон ССР Бухорилар союзи правленесининг раиси. Анзударе округи.

Нуруллаева Аюп, Бирўйи районидидаги Навоий номи колхозининг механизатори. Бирўйи округи.

Саломатия Тасия Филиповна, Мўноқ балиқ — консерва заводининг ишчиси. Мўноқ округи.

Тошкент пахтакорлари маслаҳатлашмоқдалар

СОЛДАТСКОЕ (Тошкент област), 14 июнь. (ЎзТАГ). Бугун Окқўрғон районидидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида Тошкент областидидаги хўжайлилар пахтакорларининг кенгаши бўлди. Мул ҳосил усталари, ишлаб чиқариш номзодлари иш тақрибларини ўрқоқлашдилар. Ғузаининг ривожланиши, ҳосил тўпланишдаги қишлоқнинг тугатиш ва Ғузарининг социалистик маъмуриятларини мулдатидан пилари бажариш юзасидан конкрет тадбирларни белгиландилар.

Кенгашда сўзга чиққан «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори З. Махмудов, Юрчи Чирчиқ районидидаги «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ман Гим Хан, Оркинқанда районидидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матюбоил, Бўна районидидаги Тельман номи колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қодиров Окқўрғон район парти комитетининг биринчи секретари С. Тоиров ва бошқалар июнь ва июль ойларидида Ғуза парваринининг бутун комплексини ўтказиш планлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Тошкент областининг пахтакорлари пахта сотиш давлат планини Ўзбекистонда биринчи бўлиб бажарамиз, деб ваъда бердилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сийасий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбон, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Матюнов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельевич қатнашдилар.

Бириччи трубопроводнинг миз тани май ойдаёқ туғаллан эди, Ҳозир эса насосни йиғишлари тез суръатлар билан япти. Насосни монтаж қилишнинг урточи Юрий Пенюков билан 21 кишилик бригада аёзоли адо этиптилар.

Шеробод машина канали иш тушурилиши билан Сурхон—Шеробод даштарлидаги 132 минг г тар ерга об-ҳаёт келади. Ҳозир Сурхон водийси беравнат пахтага яна 100 минг тоннага яна «оң олтин» қилишди.

А. ХАЛИЛОВ



Туркистон ҳарбий округи қўшнлари қўмондонининг граждaн мудофaаси бўйича ёрдамчиcи генерaл-мaйор Aнaтoлий Aндреевич Крaснoв граждaн мудофaаси бўлинмaлари вa муассaсалaрининг жaнaбaлaр тaйёргaрилигини мaстхaмaмaш сoхaсидaги кўп йиллик сaмaрaли ишлeри учун, рeспубликaнинг ижтимоий, ҳўхўлик вa сийсий ҳaётидaги актив иштирокчиларини тўғaнлaмдa тугилгaн кунигa 60 йил тўғaнлигини муносабaти билaн Узбeкистон ССР Олий Сoвети Президиумининг Фармонигa биноaн, Узбeкистон ССР Олий Сoвети Президиумининг Фaхрий ёрлиғи билaн мукофoтлaнди.

нинг ходими.
М. МАНСУРОВ
«Совет Ўзбекистони» муҳр

ТОШКЕНТ ШУ КУНЛАРДА

Азиз ҳамшаҳар, биз меҳнат, яратиб, туллатиб ишқиди юрғи тилиб, гўзал пойтахтни илгаридан юз чандон эвдор, соҳибамолроқ қилиш учун кечани-кеча, кундузи-кундуз демай, терлаб-пишиб меҳнат қилган кишилар орасидан. Биз ойдни кўчаларда, тунда ҳам чанг-тўзон бурхонли турган жойларда, тунда ҳам бедор, иш қайнаб турган муазам корхоналарда, нуҳоналарда, ҳаёт наҳидаси тобора кучлироқ янграш учун мижақа қўймай сергак турган дояларни, оромингиз бузилмасин деб мардлик кўрсатган, ҳаммаша посбонликда турган халқ миллияни ходимларини, олис-олис ерлардаги қадрон юрларни, корхоналарини вагинча бўлса ҳам қолдириб янги Тошкентни қуришга келган қардошларимизни кўрдик.

Биз шаҳарни бир кеча-кундуз айландик. Қўрган-биланларимизни сўзлаб беришга жазм этдик. Ўқимол, ана шу қаҳрамонлар орасида бу сатрларни ўқитган ўртоқ, Сиз ҳам бордирсиз. Мабоодо, ўз номинингизни тополмасангиз ранжикиманг. Чунки шаҳримиздаги ҳар бир азаматни, ҳар бир меҳнатқашни, ҳар бир яхши ниятли кишини чинакам қаҳрамон деса бўлади. Шаҳар ана шуларнинг ақли-парони, ана шу кишиларнинг кудрати билан қад кўтарди, жамол кўрсатди, бог бўлди. Сергели дейсизми, Севгели дейсизми, иш қилиб, нима десагиз ҳам бу ер Тошкентнинг ҳамроҳи. Йўлдоши, бўлажак оёбод шаҳардир. Ҳозирча, уйи лоийҳадан топишнинг мумкин. Бу лоийҳадан муаллифлари А. В. Стременов билан А. В. Андрюшенковдир. Улар бир юз саксон беш гектар майдонда қад кўтариб келатган шаҳарчанинг лоийҳасини роппа-роса ўн кунда тайёрлади.

Биз инженер Юрий Тарасович Дринь ва инженер Алексей Иванович Бахирев билан сўзлашганимиз-у, кўз олдимизда шаҳар бутун улғурлиги, сабооти билан намоён бўлмоқда. Инженер Юрий Тарасович Ленинградда бир қанча чиройли, ишчи бинолар қўрган. Инженер Алексей Иванович 15 уй Ватан уруши даврида Волгоград кўчаларида душманга қарши жанг қилиб, солдатнинг машаққатли йўлидаги қанчадан-қанча миналарни зарарсизлаштирган, ҳар қандай ўққа, снарядга бардош берадиган мустаҳкам истеҳкомлар қўрган, йўлат зирхли танкларимиз беамол ўтган деб кўпчилар қўрган жанговар кишидир. Бугун ана шу солдат, душманлардан шаҳарларни олган оддий коммунист Тошкентга ерданга отланди. У гинчлик солдатлари билан биргаликда шаҳар қурипти.

Андижонлик Ҳамиджон Гафуров, унинг дўсти ВЛКСМ аъзоси Солижон Огабоев ҳам меҳнат майдонида мардона туршибди. Уларнинг дўстлари Александр Селиванов Смоленскдан, Алексей Агапов Туладан, Михаил Ковалевский Карелиядан, Евгений Раснюк Калининграддан, сержант Владимир Гаврилов Ленинграддан, Юрий Коломиец Киевдан бўлади. Улар терлаб-пишиб меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига йўл олдик. Бу ер Чопонота, адашмай бораман десангиз 9-грамвайнинг охиридан сал нарироққа юрсангиз, чодирлардан иборат шаҳарчада одессаликлар,

Львов шахридан келган бинокорлар, днепропетровскиликлар, київликлар. Қирғизистондан келган азаматлар истиқомат қилишди.

«77-44-ДНД» маркали кучли машинани шамолдек елдириб кетаётган қизни кўрсангиз, ВЛКСМ аъзоси Валентина Атишенко дейверинг. Валентина зафарли 1945 йилда Кировоградда туғилди, шу ерда ўқиб ҳунар ўрганди. Мана Тошкентга келганига уч ҳафта бўлди.

Тошкент элчиласини эшитганимдан кейин, — дейди Валентина — сира чидаб тура олмайман. Юрагим шу ёққа юр дейди, тезроқ етиб бориб одамларга ёрдам бер, дейди. Мана кўриб турибсиз, қўлимдан келганча қўмаклашайман.

Чодирлар шаҳарчасида ёпиштириб қўйилган икки эъдон диққатимизни ўзига тортди. Шулардан бирига: «Сизнинг аниқ адресингиз қуйидагича: Тошкент, 54. «Украина» посёлкаси. Днепровск қурилиш-монтаж поезди», деб ёзиб қўйилган.

Одамлар хали ўзлари яшаб турган жойнинг адресини яхшироқ аниқлашгани йўқ. Лекин нинга киришиб кетдилар. Улар шаҳар қуришга киришдилар. 330 кишидан иборат мана шу поезди коллективи В-13-сенторда икки 5 қаватли бино қуришга киришди. Бу бинонинг ҳар биттасида 50 талдан қаватли бўлади. Бинонинг дастлабки пойдевори қўйилди.

Октябрь ойларига келиб янги квартираларнинг қалитларини топишсак керак, — дейди поезди бош инженери Виктор Алексеевич Кишко.

Биз инженер билан сўзлашиб турганимизда партия ташкилотининг секретари Александр Филиппович Гарбуз келиб қолди. 35 йил нари берисида бўлган бу одам кўринишдан сал ёни улғур кишига ўхшаб кетади.

Коммунистларнинг, партияларнинг тасвири ҳозирроқ яхши сезилиб турибди. Борис Александрович Чайка раҳбарлигида 58 комсомол Украина комсомол байрогини тагин ҳам баланд кўтарамиз деб, бу ерга келиш биланок клуб қуришди. — Василий Васильевич Гвоздевич клубга раҳбарлик қилипти. Ҳозирча рақс, вокал, драма тўғрисидаги 15 киши ёзилди. 14 киши футбол ишқибозларининг энг ўткири экан. Икки команда тўзишмоқчи бўлишди.

Сўхбатни бош инженер Виктор Алексеевич тагин давом эттириб:

— Ҳозир электр энергияси билан таъминлаш энг муҳим масала, — дейди.

Нега десак, украинлик қардошларимиз олди келган станция қуввати 57 киловатт экан. Уларга бўлса кучли қурилиш техникасида фойдаланиш учун ҳар дақиқада 100 киловатт керак. Мана шу электр энергиясини тезроқ олсак, эҳтимол, янги уйларни мўлжаллагандан ҳам илгарироқ қуриб бўлармиз, — дейди Кишко.

Партия ташкилотининг секретари Александр Филиппович олди ўқув юртида сирдан ўқиркан. Ҳозир айтишмоқчи топишди. Ҳозир айтишмоқчи топишди. Ҳозир айтишмоқчи топишди. Ҳозир айтишмоқчи топишди.

— Ҳақиқий имтиҳон мана бу ерда, дўстларга нафит тегадиган жойда. Тўғрими, ё гапим чанқисми?

Тўғри айтасиз, Александр Филиппович. Тошкент элчиласини, унинг ҳукум оқибатларини тутатиш учун кураш жараяни дўстлигимиз учун, қурагимиз учун, ҳар бир инсон учун — ўр синов, катта имтиҳон бўлади. Кўпчилик бу имтиҳондан шараф билан ўта болади. Одамларнинг маънавий гўзаллиги, дўстлиги, биродарлиги оддий кўнларда кўзга учма яққол таш-

ланмайди. Лекин ҳаётда шунадай воқеалар, шунадай дамлар бўладики, дўстлик деб аталган, буюк, қудратли куч бутун улғурлиги билан намоён бўлади. Кечатига баландпарвозга ўхшаб турган гаплар ҳақиқатга айланади. Кишилар бола-чақасини олсизда қолдириб бўлса ҳам, дўстга ёрдамга ошиқибди. Биз яхши биламиз: сизларнинг кўпчилиги қадрон жойингиздан нотаниш ерларга, иссиқ ўрингиздан чодирларга, ҳамма нарса муҳайё хонадонларингиздан қурилиш майдонига келдингиз.

Сизнинг яхшилигингиз, сизнинг саҳоватингиз, сизнинг олижаноблигингиз асло унутилмайди. Сизлар билан ёнма-ён турган дўстларимиз, бутун ўзбек халқи, барча қардош халқлар бир ёқадан бош чиқариб, мана шу беш йилдининг охирида Тошкентда 5 миллион квадрат метрдан ортироққ уй-жой, ҳашаматли саройлар, болаларимиз учун богча, мантаб, кинотеатр қуриб беради.

Бу биноларнинг наққоши, бу биноларнинг бинокори ким деса: — Дўстлик! — деб жавоб қайтарамиз.

Жамки яхшилигингиз учун, Тошкентга дадда берганингиз, илтифот кўрсатганингиз, биздан ҳеч нарса ни аямётганингиз учун, раҳмат одамлари! Биз Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш вазирлиги учун ранг ички хизмат герери Х. Яхъев, 3-ранг милиция комиссари Анатолий Семенич Сланецкий, милиция полковниги А. Тошметов, милиция майори Маннол Қосимов, радиооператор — навобатчи Лариса Ивановна Артунова ва бошқа ўртоқлар билан суҳбатлашдик.

Милиция ходимларининг айтишича, дарҳақиқат элчиласидан кейин жиноят илгаригига нисбатан кამайган. Лекин бу деган сўз ашаддий бе зорилар, ўғриллар, юлғичлар, ёвуз ниятли кишилар мудраб ўтирибди, деган маънони билдирмапти.

Милиция ходимлари шаҳарда осийшталарни сақлаш учун комсомоллар, халқ дружиначилари билан биргаликда кеча-кундузи ўз постларида ҳушёр туришибди. Хусусан, улар туш қора чодирини ёнган давларда алоҳида сергак бўлиб турибдилар. Бизга яқиндагина минострик томонидан номи ёзилган соат, қимматли муқорфотлар билан таъдирланган, шу кеча-кундузда ҳам постда бедор турган кишиларни таништиришди. Мана шулардан бири — старший лейтенант Абдуқалил Раҳимов. Унинг бир ўзи бешта безорига қарши курашди. Аёлни таламоқчи бўлган ўғрилари қўлга туширишда доврақлиқ билан қаранат қилди. Ёвуз ниятли кишилар милиция ходимларининг мардлиги, ҳушёрлиги туфайли қўлга туширишди. Худди шунга ўхшаш Абдуқарим Утамбоев, Ҳазрат Пардаев ўртоқлар безорни ва таловчиларининг танообини тортиб қўйиш учун туналари мижақа қўймай эл осийшталарини пойлаб чиқибди.

Биз Куйбишев район милициясининг ходимаси, жамоатчилик ўртасида йиғиб бўйча хизмат инспектори Жанна Трокина билан гаплашиб қолдик. У район партия комитетининг иккинчи секретари Алексей Иванович Шербанов, район партия комитетининг инструктори Григорий Ефимович Левшин ўртоқлар раҳбарлигида халқ дружиначиларни астойдил ишлаётганини сўзлаб берди.

Лекин халқ ҳам безорилар, продаси санф, оғзага куч, — етмайдиған шахслар онда-сонда учраб турибди.

Милиция ходимлари билан гаплашиб, хушёрхоналарга бориб шунадай бир фикрга келдик. Қўпчижа жиноят мастликда содир бўлади. Бу янгилик эмас. Лекин катта бир шаҳар бошига шундай фалокат тушибди, одамлар умумхалқ ҳашарига отланган шундайлашди, шундай масъулиятли дамларда кайф-сабо қилиб, енгиллик қилиб, ўзининг инсоний қиёфасини йўқотиб қўйган кишилардан ҳазар қиласан.

Тошкент Политехника институтининг ассистенти Михаил Иванович Балшев, республика Савдо министрлиги 8-колоннасининг инспектори Вячеслав Константинович Котков, Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитети ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Борис Михайлович Оленик ва улар билан бирга роса пичиб хушёрхонага тушиб қолган, юзубан кетган кишилар одамларнинг кўзига қандай қараркин? Ахир улар халқ гами, халқ дарди билан, халқ ўйларин билан яшамайтилар, кишиларимиз юзига оёқ қўймоқдалар.

Инсон туғилди! Тошкентда шу сирташвиш кўнларда тагин бир янги гражданин дунёга келганлигининг белгиси бўлиб, ҳаёт кўшиги — чақалоқ йиғис эшитилди.

Биз 8-туғруқхонага кирганимизда бош врач ўринбосари Иван Иванович Иванов анча халлалда чиқди.

— Кечирасизлар, ҳозир ўн иккинчи чақалоқ туғилди бугун, — деб гап бошлади у. Бундан илтари қизалоқ туғилган эди.

Икки жон саломат. Узоқ ташвишлар ва тулғоқ азобидан кейин она дарди енгиллашиб ором оляпти.

Бу ерда оддий қоровулдан тортиб, бош враччага ҳар бир киши чин қаҳрамон. Улар қаттиқ ер қимирлаган оғир дамларда ўз бола-чақаларини ўйлашмай, беморларга, оналарга ёрдамга келишди. Ҳаёт туғилари дарров ташқарига олиб чиқиб, ёвзозлаб, чодирларга жойлаштиришди.

Ҳаёт мавж ўрмоқда. Оналар таваллуд топишти, ҳаёт кўшиги янграпти. Бу воқеа тунда — соат 1 дан сал ўтганда бўлди. Ўқимол, олим бўлар, эҳтимол архитектор бўлар, шу азаматлар. Уларнинг туғилиш гувоҳномадига ёзиб қўйилган 1966 йили Тошкент элчиласидан далолат беради, холос. Шаҳарчи, тамоман ўзгариб, ўн беш кунлик ойдек туғилиб кетиши муқаррар.


Одамлар элчиласида оқибатларини тутатиш учун курашяпти, қийинчиликлар, етчимовчиликлар ўткинчи. Лекин шу оғир дамларда баъзи кишилар ўзларининг бўшангликларини элчиланинг оқибати қилиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Қурилиш майдончасида яхна чой, «Тошкент суви», квас етчимаса ҳам элчиласи айбдор дейилади. Телефон станциясида, поштада амалдорлик курашда ўтирган баъзи бир раҳбарлар газета-журнал ўз эгасига вақтида етиб келмаслигига, телефон ишласлигига ҳам элчиласи баҳона қилиб кўрсатишди.

Шаҳар автомат телефон станциясининг бошлиғи ўртоқ Х. Ғуломов ишнинг уддасидан чиқмапти. «05» телефонда навобатчилик қилаётган айрим телефонисткалар ўз бурчиларини ҳалоллик билан бажармаётдилар. Вискозольная массидеги янги қурилган уйларга қарийб икки ойдан бери газ туширилгани йўқ. Лекин бунга ҳам элчиласи айбдор эмиш. Сув сепадиган машиналарнинг қораси кўринмайди. Бунга ҳам элчиласи айбдор эмиш. «Горючистка» деган ташкилот элчиласи кўнлари ўзини йўқотиб қўйди...

Тошкент бедор, шаҳри азим аҳолиси қардошлар ҳамкорлигида пойтахтимизни тикламоқда. Шаҳримиз яна оёбод, яна гўзал ва гавжам бўлади. Шу кеча-кундуздаги ҳақларат шунинг учун. Бетиним меҳнат шунинг учун.


А. ҒАФУРОВ,
А. АБДУҚОДИРОВ,
Ҳ. НУРИИ.



Тошкентнинг туни ҳам уйғоқ! Жонқуяр кишилар шаҳар жароҳатини мумкин қадар тезроқ тиклаш учун кўнларини туналарга улатилтилар. Ҳа, ҳозирги дамларда одамларгина эмас, моторлар ҳам кеча-ю кундуз бедор.



Менинг милициям, мени қўриқлайди, деб ёзган эди улкан совет шоири Владимир Маяковский. Дарҳақиқат, осийшталарни посбон бўлган милиция ходимларининг юмуши шу ташвишли кўнларда тагин ҳам қўнайиб кетди. Лекин улар хорин нима эканлигини билмай, аҳоли осийшталарини таъминлашда жонболик қилмоқдалар. Шаҳардаги ҳар қандай ҳодисалардан ўша ондаёқ воқиф бўлиб туришибди. Суратда: милиция капитани ўртоқ С. Кутасевич оператив маълумот олмақда.



Ярим тунда чақалоқ йиғис эшитилди. Тошкентликлар сафига яна бир граждани — коммунизм қурувчиси қўшилди. Меҳрибон ҳамширалар унинг гамхўрлик билан кураш бошлади. Суратда: ана шу бахтир дам гувоҳлари (чапдан) Октябрь районидagi 8-туғруқхона ҳамшираси Н. Орипова, бош врач Н. Саидова, врач М. Мўминова ўртоқлар.



Шу кўнларда Тошкент кўчалари нийоятда гавжам. Андакқина палатниклик юз бера борми, машиналар оқимини эпаштириб бўлмайди. Шу бонсдан давлат автоспекцияси ходимлари ўз бурчларини нийоятда ҳушёрлик билан бажаришлари лозим. Улар бунга эришмоқдалар ҳам. Суратда: ана шундай жонқуяр инспекторлардан лейтенант ўртоқ А. Содиқовни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотолари.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ШИНАМ УЙЛАР ҚУРАМИЗ

Я. Л. ЛИНЕВИЧ,
«Белгоспроект» лоийҳалаш
институтини устакхонасининг
бошлиғи.

Гўзал Тошкент қиёфасини тагин ҳам яшатиш мақсадида Чинзордаги 24-қаватда қуриладиган бинолар лоийҳаси устида ишляпмиз. Бу кўнларда 8 та иттифокдош республика ўз материал ва маблағларини, ишчи кучи билан бинолар қуради. Асосан 4, 5 ва 9 қаватли уйлар қуриш мўлжалланмоқда. Қаватларда булардан ташқари болалар муассасалари, мактаблар ва савдо маркази ҳам қад кўтарди.

Ҳозир қаватларнинг лоийҳаси эскизини ишлаб чиқдик. СССР «Гострой» тузган комиссия лоийҳамизни кўриб чиқиб, асосан тасдиқлади.

Қардош республикаларнинг вакиллари лоийҳаларни олшган, қандай материалдан уй қуриш масаласини хал қилиб олдилар. Жумладан, Литва, Латвия, Эстония ва Белоруссия бинокорлари уй-жойларни пишчи қишдан қуришмоқчи. Корея, Япония, Озарбайжон, Грузия ва Молдавия республикаларининг бинокорлари эса йирик панелли уйлар бунёд этишмоқчи.

Ҳар бир республика ўз халқининг миллий хусусиятларини асосида архитектура безаклари ва пардозлаш материалларидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам қардошларимиз қураган уйлар бир-бирдан ажралиб туради. Аини пайтда ҳар бир республика архитекторларидан тортиб, гишт терувиликларига уйларни қураётган бинонинг чиройли, қуркам бўлиши билан бирга элчиласи бардоши бўлишига ҳам иштирокчилар.

Лоийҳачилар дўстларимиз шинам уйларда яшаш учун бутун маҳоратларини ишга солимоқдалар. Аиникса, техник-архитектор Борис Кудри-вах, инженерлардан Израил Гилгилштейн, Борис Агафонов, Михаил Черник ўртоқлар вақт билан ҳисоблашмай, сифатли меҳнат қилмоқдалар.

ҲАМДАРД ВА ҲАМДАМЛИК

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтини қўшида элчиласи оқибатларини тутатиш юзасидан ташкилот ишлаб (бошлиғи) — институт директори филология фанлари доктори Қ. Хоназаров институтдаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда элчиласидан зарар қўрган ходимларга ердан курашнинг соҳасида бирмунча тадбирларни амалга оширмоқда. Элчиласидан уйларни шинамлашдан ёни бошпанасиз қолган 54 илмий ходим оилаларидан экинчиси янги квартираларга, 9 ўтаси қариндошларининг ёни шу институт ходимларининг зарарланмаган уйларига вақтинча яшаб туриш учун қўйилди. С. Ахмедов, Р. Қодир, М. Юнусов, Р. Махмудов, В. Ғуломов сингари илмий ходимлар биринчи бўлиб бошпанасиз қолганларини ўз уйларига қабул қилишга рўзи элчиласини билдирдилар.

Штаб татаббўси билан институт қўшида янги жойларга кўчиб кетушчиларга ердан бериш учун филология фанлари кандидати Х. Узоқов бошлиқ кўчирувчилар бригадаси ҳамда шинамлашган уйларни ремонт қилишга ерданлаштиш учун институт комсомол ташкилотининг секретари Қ. Сайданов бошлиқ хашарчилар бригадаси тузилган.

Институт иссаба союз ташкилоти элчиласидан зарар қўрган илмий ходимларга уйларини ремонт қилиш учун материал сотиб олишда моддий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, институт ходимлари болаларидан 200 дан ортиғи лагер ва санаторийларга бепул юборилади.

Н. МАМАТОВ.

ҲУМРАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла сотиш йиллиги ланини муддатидан илгари бажарганликларини учун республика «Ҳумрат тахтаси»га ёзилдилар:

Самарқанд области (область партия комитетининг секретари С. Н. Усмонов, область иккинчи комитетининг раиси А. А. Хужаев, область комсомол комитетининг секретари М. Ҳасанов, область ипачилик бошқармасининг бошлиғи Г. А. Приходжан ўртоқлар).

Қашқадарь области (область партия комитетининг секретари С. Асоев, область иккинчи комитетининг раиси И. Жалилов, область комсомол комитетининг секретари О. Муртазов, область ипачилик бошқармасининг бошлиғи С. Ахмедов ўртоқлар).

Учкўрғон райони (район партия комитетининг секретари В. Хайдаров, район иккинчи комитетининг раиси Ш. Эрнатов, район комсомол комитетининг секретари А. Абдулнов, марказий пилла қуриш пунктининг директори Д. Қўчқоров ўртоқлар).

Ион райони (район партия комитетининг секретари Н. Охун, район иккинчи комитетининг раиси А. Мирзахмедов, район комсомол комитетининг секретари С. Пиримжазов, марказий пилла қуриш пунктининг директори Т. Дилшодов ўртоқлар).

Қуна райони (район партия комитетининг секретари Д. Султонов, район иккинчи комитетининг раиси Х. Эрматов, район комсомол комитетининг секретари Р. Мамадалиев, марказий пилла қуриш пунктининг директори М. Қодиров ўртоқлар).

МИРЗААХМАД ана дала йўлидан шошилмай борар. Унинг хотиралари нега туғун уриб қолганини ҳамон тушуномасди. Паст баланд қир адириллар истаниб ётар, олис уфққа туташ жойда юриб кетаётган трактор олис-олис кўрилар, овози эшитилмас, узоқда бўлгани учун имиллаб юраётгандай туюларди. Вирдан унинг оғи остида, қизгалдоқлар орасидан париллаб турган ушди. Чийиллаб осмон-фалакка кўтарилди-да, бир нуқтада муаллақ тўхтаб қолди.

Тоққа чиққан киши ўзи мўлжаллаган чўққига етганидан кейин албатта орансига ўгирилиб қарайди. Қаерлардан осон ўтганини, қайси қўлга оёқ қўйганини, қаерда айнайсиз қаиналганини ўзича бири-бири кўз ўнгига келтирди. Кеча у ўзининг кул етмас — баланд чўққига чиққанидан биринчи марта ҳис этди. Бу неча йиллар машаққат билан етилган марра эди. Тўғриси, Мирзахмад ақалининг ўзи ҳали бу чўққига етишга анча бор деб юрталди. — Тўшликча чийақ деб турганида Зокир келиб қолди.

— Устоз, идорага борармисиз раис чанқиряпти.

— Нима гап экан, айтмайдими.

— Йўқ, худди билан келишим, дедилар...

Мирзахмад ана идорага келганида ҳамма тушликча чийиб кетган эди.

— Сизни кутиб ўтириб-ўтириб ҳозиргина қийиб кетдилар-а...

— Прав...

ТОЛЕИ БАЛАНД

ление секретари Зеби тилининг учидан турган, гачини айтиб юборишдан қўриқандай жим бўлиб қолди-у, жимайиб қўйди. — Чойхонада бўлсангиз керак. Дарров бориң.

Мирзахмад ана чойхонага кирар-кирмас, атрофини ўраб олишди.

— Тўғри етиб, бригадир.

— Қани, ука, дарров энефатга ваъда беринг. Иссиғиди бўйинингизга қўймасан...

Нима тағиллига тушуноммай гапариб турган Мирзахмад ақали кўлхоз раиси Турғун ана маҳкам қучоқлаб, бағрига босганча, ҳажжонликиб деди:

— Ҳозиргина радиога айтишди. Қархоним бўлибсиз.

Мана шундагина у турмушининг машаққатли йўлларида юра-юра юзасак чўққига етганини тушуниди.

Уруш битди-ю, яраси қолди: кўлхоз чўқиб қолган, одамлар юпун, турмушининг маъноси йўқорди. Эндигина фронтдан қантган Мирзахмаднинг эвено бошлиғи кўлги саллашди...

Эвенони қўлга олган йиллик кўлхозлагина эмас, районда донг таратди.

Тадарикидан энг баракани қарточка ҳосили олган деҳқонлар унинг эвеносида эди.

1949 йили унга 7-бригадани топишди. Кўлхоз раиси Турғун Мирзахмад кеч куз кўнларидан бирида унга маслаҳат солди.

— Мен сизга ўзимга ишонгандай ишонаман. Кўлхозчилар ҳам сизни ҳурмат қилишди. Шу бригадани қуриш керак.

Еттинчи бригада... Яқиндагина тўқай бўлиб ётган жойлар. Қандоқ бўларкин...

— Техникадан ёрдам берамиз, — деди раис

○